



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЖАМИЯТ

№ 21 (704)  
2020 йил  
10 июль,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



jamiyatgzt@mail.ru



## Аёлга ожиза эмас,

## мўъжиза, деб қаранг!



### “СОЯБОҒ”

Ўшанда, холани кузатиб қўйдимми ёки сутни олиб уйда қолган кичкинтойларим сари отландимми? Аниқ эслолмайман. Бироқ холанинг ғамини еб, керагидан ортиқ сут олган кўшимга ҳурматим ошгани тайин...



### Нуронийлар никоҳи — ўрناق

Сурайё бугун отасининг юзида табассум кўрди. Насиба онасини ҳаж сафарига юборди. Бугун ҳожи ота ва ҳожи оналар бир-бирларига дарддош, елкадош. Расмий никоҳдан сўнг улар маҳалланинг оғзидаги ҳақиқий қаҳрамонларига айланишди...

## Интернет яна секин ишляптими?

## “Бу ерда мен раҳбарман

нима гапингиз бўлса, менга айтинг!”

**ҚИСКА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!**

2020-2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

# Аёлга ожиза эмас, мўъжиза, деб қаранг!

**А**гар аёл ўзини нафақат аёл, балки инсон сифатида жамиятдаги ўрнини англаса, унга табиат ато этган қобилиятни тўғри йўналтира олса, фақат оила қуришни эмас, балки ҳалол меҳнати билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши лозимлигини ҳаётининг мақсади деб билса, бу аёл, албатта, ўз ҳаётидан қаноатлана олади, рози бўлиб яшайди. Фақат оилани ҳаётининг асосий мақсади қилса, пировард натижада намоён қилинмаган қобилият, фойдаланилмаган имконият, эришилмаган ютуқлар у учун армон бўлади ва қалбида барча нарсага эриша олган аёлларга нисбатан ҳасад туйғуси шаклланади, бу унинг газабнок бўлишига олиб келади.

Бугунги ўзбек аёли ким: бошқарувчиси ё буйсунувчи, эргашувчиси ё эргаштирувчи? Замонавий ўзбек аёли портретини қандай чизгилар билан бойитиш мумкин? Аёлларнинг кучли жинс вакиллари билан тенгма-тенг ҳуқуққа эга бўлиш жараёни юртимизда XX аср бошларидан авж олди. Сабаби, фарзанд тарбиялаётган оналарнинг ўзлари ҳам зиёли бўлиши лозимлигини кўпчилик тушуна бошлаган эди. Аёлларимиз ҳам оилани, ҳам касб-ҳунарни бирдек бошқариб, жамият учун керакли шахсларга айландилар. XIX аср охири XX аср бошларининг етакчи маърифатпарварлари М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлоний хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни борасида кенг фикрлар билдирган. Масалан, Фитратнинг "Оила" асарига шундай фикрлар бор: Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги миллий озолик, эрк учун зарур: аёллар фақат уй-рўзгор, бола тарбияси билан банд қолмаслиги керак"

Ер юзи аҳолисининг эллик уч фоизини аёллар ташкил этади. Шунинг учун ҳам гендер муаммолари бугунги куннинг доллар масалаларидан бирига айланган. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ва фаол меҳнат қилиб келишмоқда. Хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда эътибор кучайтириладиганининг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаоллигини кенг йўлга қўйиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш масалалари давлатнинг

муҳим мақсадлари қаторидан жой олди.

Аёлнинг ҳар қандай ишга масъуляти икки ҳисса кучли. Қаерда бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт соҳаси, қатъий назар аёл ўз вазифасини ортиғи билан бажара олади. Бир замонлар аёлларга заифа, ожиза сифатида қарашган. Бу қарашлар ҳозир ҳам онда сонда учраб туради. Фикримизча, ҳеч бир даврда аёл ожиза бўлган эмас. Аёлга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уни асраш ва улуғлаш халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида шаклланган менталитетининг муҳим сифатларидан бири бўлиб, турмуш тарзининг ўзига хос хусусияти сифатида сақланиб қолмоқда. Марказий Осиё халқларининг дунёга машҳур "Алпомиш", "Қирқ қиз" каби эпослари, ўзбек халқ эртақларида аёлларнинг мардлиги ва жасорати, уларнинг ақл-заковатида эркаклардан қолишмаслиги ёрқин ифодаланган.

Тенглик, аввало, моддий фаровонлик даражаси, ижтимоий давқе, эътиқоди, жинси ва қайси миллатга мансублигидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида (1948 йил) қайд этилганидек, инсон қадр-қиммати "озодлик, адолатлилик ва умумий тинчлик асосидир".

Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқлиги инсон ва жамият таназзулига олиб келиши, ижтимоий ва сиёсий тартибсизликлар, зўравонликнинг ёйилиши ва ихтилофлар туғилиши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

БМТнинг инсон ривожланиши муаммоларига оид ҳужжатларида "ҳеч бир жамиятда хотин-қизлар эркакларникидек имкониятларга эга эмас. Бундан тенгсиз мақом хотин-қизларнинг инсон салоҳиятини ривожлантиришга қўшаётган салмоқли улуши билан ушбу жараён берадиган имтиёзлардаги улушининг кичиклиги ўртасидаги номуносабликнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда", дейилган. Шу муносабат билан инсон ривожланиши ва демократлаштиришга доир устувор муаммолар муқаррар равишда эркаклар билан хотин-қизлар ўртасидаги тенгликка эришиш билан боғлиқ масалаларга бориб тақалади, ва, натижада, хотин-қизлар мақомини ошириш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш зарурати вужудга келади.

Ўзбекистон, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тadbирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция (CEDAW)ни ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди. Шу муносабат билан, жинслар тенглигига эришиш бўйича тегишли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш энг долларб муаммага айланмоқда. Бу узоқ муддатли мақсад бўлиб, у маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий меъёрларда жиҳдий принципал ўзгаришларни ва мутлақо янги тафаккурнинг шаклланишини тақозо этади.

Эркаклар ва хотин-қизларнинг биологик фарқларини мутлақлаштириш



жараёни шунга олиб келдики, инсон фаолиятининг кўплаб соҳалари сунъий равишда "аёлларга хос" ва "эркакларга хос" турларга бўлина бошланди. Бу эса фан мазмунининг ўзига ҳам акс этди. Янги (гендер) концепцияси биологик жинс билан (инглизчасига – sex) ижтимоий жинс (инглизчасига – gender) фарқланишига ҳамда жинслар орасидаги ижтимоий муносабатлар фақат эркаклар ва хотин-қизларнинг биологик ўзига хослиги билан белгиланмаслиги, ижтимоийроллар бирлиги, физиологик фарқлардан сезиларли равишда кенглинианилашга қурилган.

Гендер тенглик XXI асрда ривожланиш соҳасида БМТ мақсадларига эришиш борасида принципал жиҳатдан аҳамиятли омилдир. Шунга мувофиқ тарзда гендер ёндашувларнинг такомиллаштирилиши ва жорий этилиши ижтимоий адолат, инсон ривожланишининг тенг ҳуқуқчилиги ва барқарорлигига эришиш йўлида асосий масала бўлиб қолмоқда. БМТ томонидан қўйилган масалаларнинг самарали тарзда ижро этиш йўларини излаш янги гендер ёндашувларни ишлаб чиқишга олиб келди.

Аҳолининг турли гуруҳларининг ўзларининг ижтимоий роллари ва ўзига хос талабларига мос равишда ривожланиш бўйича фаолиятда иштирок этишига нисбатан гендер ёндашувнинг қўлланилиши ривожланишнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиши имконини берди. Унга қатор таркибий қисмлар киритилди. Хотин-қизлар эътиёжларини устун тартибда қўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш (айниқса, маданий меъёрлар ва қадриятлар, уларнинг фаолиятда тенг иштирокини чеклаб қўйган тақдирда), жамиятда хотин-қизлар аҳолини эркакларнинг аҳолига нисбатан аниқлаш ва яхшилаш, хотин-қизлар томонидан ўз аҳолини, талаб ва эътиёжларини англаш, хотин-қизлар аҳолини яхшилашга ҳалал берувчи тўсиқларни аниқлаш, хотин-қизлар фаолият соҳаларини кенгайтириш, улар томонидан аънавий эркаклар роллари ва касб-корларининг ўзлаштирилиши, ўтмишдаги камситилишнинг бевосита ёки воситали оқибатларини бартараф этиш, хотин-қизларнинг ночор гуруҳларини устун равишда ривожлантириш шулар жумласидан.

Гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижалар. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмастан эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англайди. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди. Лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва

тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқ. Гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжи ва устуворлиги ҳисобга олинганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам хотин-қизлар манфаатини ифодаловчи қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2019 йилда қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан. Аёлларга кўплаб ижтимоий имтиёзлар жорий қилинди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли аёлларимиз бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, давлат ва жамиятда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони гендер тенгликнинг амалий дастури бўлишига шубҳа йўқ. Фармон билан беш бўлимдан иборат Миллий стратегиянинг ҳамда 78 банддан иборат Йўл харитасининг тасдиқланиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилишнинг аниқ мақсад ва манзилларини тизимли чоралар билан белгилаб берди. Жумладан, давлат органларида, нодавлат ва хусусий ташкилотларда, айниқса, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ юқори лавозимларда аёлларнинг тенг вакилликни таъминлаш сиёсатини такомиллаштириш, жамоатчилик онгида эркаклар ва аёлларнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш каби масалалар икки тоифа вакиллариининг ҳуқуқларини тенглаштириб, гуруҳларини юксалтиради.

Аёл қадрини қанчалик юқорига кўтаришга муяссар бўлса, миллий гуруҳимиз, маънавият ва маданиятимиз янада юксалиши, оилаларимиз барқарорлиги таъминлиниши, ҳалол ва пок, фидойи, ватанпарвар, жамиятга фойда келтирувчи, миллатимизни бутун жаҳонга кўз-кўз қилувчи фарзандларимиз сонини кундан-кунга кўпая бориши табиий ҳол. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, доно, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан, салоҳиятидан нафақат унинг оиласи, балки бутун жамият манфаатдор бўлиши чин ҳақиқат эмасми? Биз қураётган жамиятнинг оғир юкни дадил кўтариб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаб турадиган асосий куч – жамиятимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро, шу жумладан, хотин-қизлар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Гулуҳ АГЗАМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати



Мақтабларда "Тарбия" фани жорий этилади.

# Адолатни қарор топтиришга парламент ҳам масъул

**Очигини тан олиш керак, кейинги вақтларда инсон ҳуқуқлари бузилиши, одамларнинг норозилиги кўпроқ ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти билан боғлиқ бўлмоқда. Соҳа ходимлари фуқароларга ҳурмат билан муомала қилмаслиги, шаънини қадрламаслиги, қадр-қимматини камситишига оид ҳолатларга тез-тез дуч келиняпти.**

Ҳар қандай ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқлари шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш зарур. Ҳеч қандай сабаб инсоннинг ҳаётига даҳл қилишга асос бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари оид судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видео-селектор йиғилишида бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз белгилаб берган вазифалар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, оид судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинли-

кларига сўзсиз рию этилишини таъминлаш учун тизимда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим масъулиятли, маданиятли ҳамда ўз вазифасига садоқатли бўлиши керак. Бусиз яна жиддий муаммолар келиб чиқаради.

Йиғилишда қайд этилганидек, жойларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида ички ишлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фуқароларга нисбатан адолатсизлик қилаётгани баён этилган мунозаралар кўпайган.

Эндиликда бу йўналишда кўп нарсалар ўзгаради. Депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпу-

сис, сектор раҳбарлари ва жамо-

атчиликни жалб қилган ҳолда, оид судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар ўтказиб боради.

Аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий Кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилади ва масъулиятига баҳо бериб борилади.

Олий Мажлисадаги махсус кўмиталар ҳар бир ҳудуднинг оид судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишига бош-қош бўлиб, ҳар ярим йилда натижалари бўйича парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиб боради.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ўзларини номуносиб тутса, қонунларни писанд қилмаса, эътирозлар кўпайди, адолатта, давлатга ишонч пасаяди. Бунга йўл қўймаслик учун ҳуқуқ-тартибот идоралари адолатли фаолият юритиши билан боғлиқ масалаларда парламент назорати кучаяди.

Масъулиятни оширишда энг муҳим масалалардан бири

айбдорларнинг қилмишлари, ноқонуний хатти-ҳаракатлари жамоатчилик, уларнинг вакиллари олдига очиқ муҳокама этилиши билан боғлиқ, деб ўйлайман. Яъни, адолатсизлик, фуқарога нисбатан ноҳақлик ёки зўравонлик қилган ходим жамоатчиликка кўрсатилса, унинг қилмиши муҳокама қилинса, бошқалар бундан сабоқ олади. Чунки инсон учун эл назаридан қолишдан таъсирчанроқ жазо бўлмаса керак.

Эл назари қудратли куч, бу кўзининг таъсир доираси-

ни кенгайтиришиз лозим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти маҳаллий Кенгашларда парламент аъзолари иштирокида ошқора муҳокама этилиши бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Президентимиз белгиланган вазифалар замирида чуқур мазмун мужассам.

Мамлакатда адолат таъминланиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ҳимояланиши биз, парламент аъзоларининг қатъиятимишга ҳам чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслигимиз, буни амалда исботлай олишимиз лозим.

**Анвархон ТЕМИРОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## Ислоҳотларни коррупциядан қутқариш

*барчамизнинг бурчимиз!*

**Коррупция бир қарашда оддий жиноят бўлиб кўрингани билан аслида унинг келиб чиқиши ва яшовчанлик сабаблари жуда чигал ва мураккаб. Уни бутунлай бартарф этиш мушкул, лекин жамиятда ушбу иллатнинг оқибатларини кескин камайтириш учун унинг оқибатлари билан самарали курашиш керак.**

лат сиёсатини шакллантирувчи ва амалга оширувчи, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи органдир.

Агентлик бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни таллаб қилиш, олиш ва ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мунозараларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўради.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашиш фақатгина ушбу агентликнинг иши деб қарамаслигимиз керак. Бу иллатдан қутулиш, ислоҳотларни унинг чангалидан қутқариш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз шарт. Агентлик атрофида бирлашиб, коррупцияга қарши кураш борасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, порахўрлик, тамағирлик каби ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, бундай жиноятларга қарши жазо муқаррарлигини ҳар бир шахс онгига синдиришимиз лозим.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

## Субсидия муҳтожга етиб боряптими?

**Бугун кўпчилик ўз томорқасидан самарали фойдаланиб, бир йилда 3 мартагача ҳосил олаётганлари ҳам орамизда кўплаб топилди.**

Пандемия туфайли юртимизда эълон қилинган қатъий карантин вақтида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш, ички бозорда нарх-наво ошиб кетмаслиги кўп жиҳатдан томорқалардан қанчалик оқилона фойдаланишимиз, кичик бўлса-да, тадбиркорлик билан шуғулланишимизга боғлиқ.

Президентимизнинг «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиши самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора тadbирлари тўғрисида»ги қарори жуда кўп томорқачиларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиб беради, десак, муболага бўлмайди.

Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларига қафолатланган кўчат ва уруеларни тизимли етказиб беришни ташкил этиш, тижорат банклари билан биргаликда уч ой имтиёзли давр билан бир йил муддатга 4 фоиз банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида 2 миллион сўмгача Оилавий тadbиркорлик маркази ҳулосасисиз On-line тарзда томорқа ер эгаларига микрокредитлар ажратиш

механизмининг жорий этиш тартиблари белгиланди.

Қалови топилса, қор ҳам ёнади. Ечими қийин ёки узоққа чўзиладиган муаммони айтиб, ўзини ўзи овутишдан натижа чиқмайди. Шунинг учун бор имкониятга қараб ҳаракат қилиш зарур. Сув йўқлиги ёки доимий эмаслигини баҳона қилмай, ҳарқатсиз ўтирмай, ҳатто дашт ерларда ҳам деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳосил олаётган, риск топаётган меҳнаткаш юртодошларимиз йўқ эмас.

Охириги вақтларда камбағал оилаларга берилаётган ер майдонлари — риск гарови. Ҳозирда ана шу ерлардан ҳамма ҳам оқилона фойдаланяпти, дея олмаймиз. Битта ва катта сабаб (химлар учундир баҳона) сув камлиги, кейингиси «ёқкан экинларимиз саратонда сув етишмаслигидан қуриб қолади», деган кўркүк.

Биргина Фарғона тумани мисолида оладиган бўлсак, 3 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тadbиркорларга 1 гектар ер акцияси доирасида малиначилик ва анорчилик билан шуғулланишлари учун ер ажратилган. Лекин бу ерлардан ҳо-

сил олиш учун, ҳеч бўлмаганда, 3 та сўғориш қудуғи қазиб зарур. Умуман, тумандаги яна 20 та маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли томорқалардан фойдаланишда сув танқислигидан қийналмоқда.

Бундай ҳудудлардаги муаммоли ҳолатларни бартарф этиш, аҳолига имкон қадар ёрдам кўрсатиш Президент қарориди алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан камиди 30 та аҳоли томорқаларини сўғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бургилаш харажатларининг 70 фоизини, бироқ 120 миллион сўмдан ошмайди, қисмини қоплашга субсидия ажратилиши белгиланди.

Бу имконият ва снгилликлардан адолатли, самарали фойдаланиладими? Биз, барча даражадаги депутатлар шу саволни ўзимизга бериш билан чекланмасдан, қизғин, баҳсли, тортишувли жараённинг ичига киришимиз керак. Чунки субсидияни ҳақиқий муҳтожларга бермаслик ёки алолатсиз тақсимиш, бўлиб олиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Ҳозир ресурслар учун кураш кетмоқда, бу курашда муҳтожлар ютқазиб қўймаслиги учун астойдил ҳаракат қилишимиз зарур.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Ушбу кўш саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидини "Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида" грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Андижонда қуролни сақлаш ва олиб юриш қоидаларини бузган 68 нафар фуқаро жаримага тортилди.

# “Зомин қалдирғочлари”

Шу йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жиззах вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёш ижодкорларнинг анъанавий “Зомин қалдирғочлари” семинари юртимизда кечаётган пандемия сабабли онлайн тарзда Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтди.

Озарбайжон Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистондан ҳам 12 нафар иқтидор соҳиби ўз маҳоратини намоён этди.

Мазкур семинар ўтган йили 7 йўналишда ўтказилган бўлса, жорий йилда 4 йўналишда бўлиб ўтди. Анжуман назм, наср, бадий публицистика, бадий таржима йўналишлари бўйича шўбаларга бўлинган ҳолда олиб борилди. Иштирокчиларнинг асарларини саралаш ва улар учун маҳорат сабоқларини ташкил этиш мақсадида 25 нафар таниқли адабиётшунос олим ва фахрий

устозлардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

— Бир сўз билан айтганда, ёш истеъдод эгаларини кашф қилиш, уларнинг бадий қобилиятини янада ривожлантириш, устоз-шогирд аъналарини йўлга қўйишда ушбу семинарнинг ўрни катта, — дейди биз билан алоқага чиққан семинар иштирокчиси Ориф Комилов.

Семинар давомида устоз адилларнинг эътирофига сазовор бўлган семинар ғолибларининг ижодий ишлари Ёзувчилар уюшмасининг “Биринчи китобим” лойиҳасига тақдим этилиши кўзда тутилган.

Бегали ЭШОНҚУЛОВ,  
“Жамият” мухбири

Гоҳида шундай бўладиким, ўз-ўзим билан суҳбатлашаман, тортишаман, баҳслашаман... Ўшандай гурунларнинг бирида суҳбатдошим айтдики, адабиёт – ишонтириш санъати!

## Адабиёт – ишонтириш санъати

— Хўш, сизнингча, адабиёт – ишонтириш санъати бўлса, туб-тубида ёлгон бор деган гап чикмаяптими? Моҳиятида ёлгон ётган санъатнинг кимга, нимага кераги бор?

— Жўра, масалани жўн туншунманг-да. Адабиёт туйғунинг, бадий тафаккурнинг рост ва гўзал ифодасини талаб қилади, холос.

Кеча ўтган “Зомин қалдирғочлари” онлайн семинарига Наср адабий тури бўйича қатнашган иштирокчиларнинг ижодий ишлари, машқлари билан танишдим. Ўқиганларимдан сездимки, уларнинг энг катта ютуғи адабиётга меҳр қўйгани ва ёзишга бўлган ғайратидадир. Аммо улар аксар битикларига ўзларича жанрини белгилаб қўймасин, бу жанр талабларига жавоб бермаслигини, воқеликдан узоқ сюжет тўқиб ўқувчини ишонтира олмаётганини, ўқувчининг олдида шунчаки, эзалик қилаётгани сезилди.

Хўш, нега улар бундай ёзаяпти?

Бу уларнинг айби эмас, бу бир ҳовуч қалам аҳлининг — китоб кўрган кишиларнинг яхши асарнинг яхши эканини, ёмон асарнинг ёмонлигини вақтида айтмаганида деб биламан. Кўп йиллардан бери тугуни заиф, кулминация мўрт асарларни мақтаб келдик.

Ялтироқ муқовали, олди-қочди мазмунли асарлар чинакам бадий адабиёт эмаслигини вақти-вақти билан тунтириб турмадик.

Энди эса шу “арикдан” сув ичганларга ёганининг адабиётга дахли йўқ, деб айтиш осонми?!

Аммо кишини қувонтирадиган, ёзганларидан бир ёруғлик таралиб турганлари ҳам бор. Бухоролик Рушана Набиева, самарқандлик Тозагул Жуманова, наманганлик Шаҳзод Эргашалиев шулар жумласидандир.

Рушана ва Тозагул болалар учун ажойиб эртак ва ҳикоялар ёзибди. Айниқса, Рушананинг “Шубҳа”, Тозагулнинг “Бахт калити” номли машқларини ўқиб хурсанд бўлдим. Келгусида улар ёзиш малакасини мукаммал эгаллаб, адабиётимиз раванқи йўлида хизмат қилади.

Шаҳзоднинг “Уфққа туташ йўл”и чиндан ҳам уни адабиёт йўли билан туташтирган. Унинг ёзганлари билан тез орада нашрларимизда танишасиз, ўқийсиз, баҳосини ўзингиз берасиз.

Нурилла ЧОРИ,  
“Зомин қалдирғочлари”  
семинари ҳайъати аъзоси,  
“Ёшлик” журнали бош  
муҳаррири ўринбосари

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган ушбу семинарда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эгаларини аниқлашга, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди.

Семинарни бир гуруҳ ёзувчи шоирлар Адилбар Ҳибонидани Аlisher Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш билан очиб берди. Тадбирда сўз олганлар Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бир неча йиллардан буён истеъдодли ёшларни кашф қилишга хизмат қилиб келаётганини, анъанавий семинарнинг қамровини янада кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё давлатларидан ҳам ёш ижодкорлар қатнашишлари таъминланаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.



Хабарингиз бор, “Зомин қалдирғочлари” семинари 1997 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Бугунгача ушбу семи-



нарда қарийб 3000 нафар ёш ижодкор кашф қилиниб, адабиёт оламига кириб келган. Бу йилги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 58 нафар ёш ижодкор ҳамда

Нурота тоғ тизмаси Олой – Туркистон тоғ тизмининг энг ғарбий бўлаги ҳисобланиб, Сангзор водийсидаги Моргузар, Илонўтти, Темурланг дарасидан бошланади. Шимолий Нурота тоғи Қоратов деб номланиб, унинг энг тик чўққиси – Заргарнинг баландлиги 2165 метрга тенг. Жанубий Нурота тоғининг Оқтов деб аталадиган тизмасидаги Тахтқў чўққиси денгиз сатҳидан 2005 метр баландликда бўлиб, ҳар иккала тоғ таркибида ҳали кашф этилмаган фойдали қазилмалар, доривор табиий ўсимликлар жуда кўп.

Ушбу тоғларнинг Нурота – Қўшработ кенгликларидан академик Яҳё Фуломов, Пўлат Зоҳидов, О.Рестовцев сингари машҳур археологлар қазимша ишларини амалга оширган.

Бу ҳудудда сувдан унумли фойдаланиш, ҳосилдор ерларни обод қилиш азалдан асосий масала бўлиб келган. Шу боис кўплаб жойларнинг номи булоқ ёки сув йўли билан боғлиқ. Масалан, Қўшработда Булоқбоши, Жомбулоқ, Совуқбулоқ, Ахчобсой, Дуоба, Кўкбулоқ, Сувлик, Сойкечар, Бош қориз, Дарасой каби

номлар мавжуд. Икки тоғ кенгликларидан ранг кўрсаткичларига тааллуқли Оқтов, Қоратов, Кўктепа, Қизилча, Қорақум, Оқтош, Оқтепа, Қорабулоқ сингари топонимик ва этнографик белгиларга эга жойлар ҳам кўп.

### Ободлик наҳидаси

Қўшработ туманининг Қўрғон қишлоғида Қўрғон дostonчилик мактабининг йирик намоёндаси Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилиб ўсган. Ўтган асрнинг 1970 йилларида фидойи педагог

Ойдин Синдоров улуғ бахшининг ижод намуналари ва бошқа экспонатларни жамлаб, музей ҳолига келтирган. Бу музей таъмирталаб бўлиб қолгани сабабли айна пайтда замонавий андозада янгидан барпо этилмоқда.

Қўшработдаги йирик қишлоқлардан бири бўлган Жўшда бунёдкорлик ва қурилиш ишлари авжида. Бир қанча янги савдо иншоотлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жўшдан Оқманит қишлоғига бориш тарафда замонавий аҳоли турар жойлари қад ростлаяпти.

Қадимий Ахчобсой даралари – тарихий ҳудуд. Бу кенгликларда кўплаб жанг-у суронлар бўлиб ўтган. Ҳозирда Жўшдан Ароғшоқ, Урганжи, Керҳовут, Бозоржой, Оқтош қишлоқларига асфальт йўли ўтказилляпти. Келгусида Фунсункор Оқтов ва Қоратов хорижий сайёҳларни Фозилмон кўлларига чорласа, ажаб эмас.

— Ушбу бунёдкорлик ишлари одамларни ниҳоят-

да қувонтирмоқда, — дейди Қўшработ туманидаги Оқтош қишлоғида жойлашган 51-умумтаълим мактаби ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Жўрабой Қораев. — Қишлоқ зиёдилари бундай янгиликларни узоқ йиллар орзиқиб кутган эди. Келгусида қишлоқларимиз шаҳардан асло қолишмайдиган бўлади.

Қўшработлик фахрий ўқитувчи Иброҳим ака Ғойибназаров маънавий-маърифий мавзуда кўплаб мақолалар ёзган. Унинг «Ойдин тунлар қўшиғи» номли китобида шундай сатрлар бор:

*Бунда уйлар туташ қурилган,  
Бунда осмон жуда ҳам яқин...*

### Маънавий эҳтиёж

— Бу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, — деб эслади кекса муаллим Ҳамза Чинниев. — 1978 йили атоқли адабиётшунос Озод Шарафидинов бошчилигидаги бир гуруҳ зиёдилар Жўш қишлоғига ке-

лишти. Улар орасида Ахчоб қишлоғида туғилиб ўсган адабиётшунос Умрқоз Ўлжабоев ҳам бор эди. Меҳмонлар аввал Жўш қишлоғини томоша қилишти, кейин қишлоқ кутубхонасига киришти. Қарашса, харобгина кутубхона бўм-бўш, бор китоблар ҳам чанг босиб ёттибди. Буни кўрган Озод домла оғир хўрсиниб, китобларнинг чанглари ни артишга тушти. Бундан таъсирланган хўжалик раҳбари ордан кўп ўтмай кутубхона таъмирлатиб, обод бўлишига айлантди. Ундан бир неча авлод маънавий озик олди. Афсуски, ҳозир у йўқ.

Эгуликка қўл ураётган Самарқанд вилояти ва Қўшработ тумани ҳокимлиги бу ерда китоб захирасига бой кутубхона ҳам бунёд этса, китоб ихлосмандларининг маънавий эҳтиёжи қондирилди эди. Ўйлаймизки, бу хайрли иш тез орада амалга ошад.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,  
журналист



Геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда тегишли давлат органларининг соҳадаги ваколатлари белгиланди.

# “Бу ерда мен раҳбарман нима гапингиз бўлса, менга айтинг!”

**Б**утун дунёда коронавирус балосининг тарқалганига анча бўлди. Айримлар бу офатга кўникиб ҳам қолди. Уйда ўтириб, карантин қоидаларига риоя этаётганларга эса бугун ҳамма офарин демокда. Лекин кўпдан кўп фикр чиққанидек, кўпга келган ушбу балогадан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринаётганлар ҳам учрамоқда. Агар Mobi.uz компанияси Самарқанд бўлимнинг шу шаҳардаги Сартепа шохобчаси раҳбари Хушвақт Жўраевнинг айтганлари рост бўлса, мазкур компаниядагилар ҳам фурсатдан унумли фойдаланиб қолишмоқчига ўхшайди.

Қандай қилиб дейсизми? Мана, оддий мисол, таърифдан таърифта ўтиш тўлови бирданига икки бараварга ошибди. Буни бизга юқорида айтилган шохобча ходими айтди-ю, гапларини тас-

диқловчи бирорта ҳужжат кўрсата олмади. Аммо мазкур хизмат учун компания ҳисобига ўн минг сўм тўлов олишни унутмади.

Аслида шохобчада хизмат ҳақини шохобчага мутасад-

ди бўлган, ўзини “Джураев” деб таништирган ходим эмас, унинг ўрнида ўтирган бошқа бир киши олган эди. (Паспортидаги ёзув бўйича таништирган бу ходим ўзининг ўрнида аввал вақтинча ишлаб турган йигитнинг кимлигини биздан сир тутди).

— “Моби-30” таърифидан “Чилла” таърифта ўтмоқ-

да бўлган эди. Аммо таърифи алмашган 97 921-50-08 рақамли телефон биринчи июль кунини эргалабдан ўчирилди. Бу ҳақда шохобча раҳбари Хушвақт Жўраевга телефон орқали маълум қилдик. Кейин шохобчада бўлиб, таърифимизни алмаштириб берган йигитни суриштирдик. Хушвақт Жўраев эса уни топишни истамасди. “Нима гапингиз бўлса мен билан гаплашинг, бу ерда мен раҳбарман”, деди. Биз эса кеча-

**Кейин билсак, таърифимизни алмаштирган йигитнинг бу ерга алоқаси йўқ экан. Унинг бизга учраштирилмаслигининг ҳам сабаби шу эди. Табиийки, телефоннинг нега ўчиб қолгани сабабини сўрадик. Бу саволга берилган жавоб эса пойма-пой бўлди.**

чимиз, — дедик унга. Ва таърифда белгиланган йигирма минг сўм пулни тўладик. “Ҳозир”, деди-ю, у телефон аппаратини беришимизни сўради. Кейин қандайдир рақамларни терди, яна беш минг сўм беришимизни айтди.

Унинг айтганини бажариб, телефон аппаратини қайтариб олдик. Ҳақиқатдан телефон биз айтган таърифта ўтказилган эди. Йигитга раҳмат айтиб ортага қайтдик.

Бу воқеа шу йил 30 июнь кундуз соат иккилар атрофи-

га йигит билан учраштиришни яна талаб қилдик. Лекин Хушвақт Жўраев гапимизга қулоқ ҳам солмади.

Кейин билсак, таърифимизни алмаштирган йигитнинг бу ерга алоқаси йўқ экан. Унинг бизга учраштирилмаслигининг ҳам сабаби шу эди. Табиийки, телефоннинг нега ўчиб қолгани сабабини сўрадик. Бу саволга берилган жавоб эса пойма-пой бўлди.

Аввалига Хушвақт Жўраев таърифдан таърифта ўтишнинг хизмат ҳақи биринчи

июлдан икки бараварга ошганини айтди. Кейинроқ эса “бу иш бир кун аввал бошланганди”, деб туриб олди. Лекин шохобчада биз қизиққан хизмат бўйича ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди.

Хушвақт Жўраев эса бу ҳолни пандемия билан боғлади. “Компаниядан кейинчалик бизга ҳужжат беришадди, ҳозирча шундай ишлайверамиз”, деди. Mobi.uzнинг кичик бир тармоғидаги бундай қизиқ ҳангомалар эҳтимол, бошқа жойларда ҳам палак отгандир.

Энг қизиги, бир таърифдан бошқа таърифта ўтиш ҳақида компаниянинг ўзида ҳужжат бормикин? Буни билиш мақсадида компаниянинг 0890 рақамли қисқа телефонига тушишга бир неча бор уриниб кўрдик. Аммо бу рақам билан боғланишнинг иложи бўлмади.

Қиссадан ҳисса, Mobi.uzда ҳақиқатдан ҳам одамлар коронавирус балосидан азият чекаётган бир пайтда таърифдан таърифта ўтиш нархи икки баравар ошганими? Агар ошган бўлса, компания шохобчаларида нега бу ҳақда тегишли ҳужжат йўқ? Кейин халқимизда “чумчуқ сўйса ҳам қасос бўйсин”, деган нақл бор. Нега энди компания шохобчаларида ишга алоқаси бўлмаган бегона кишилар “хизмат кўрсатишнинг” Юқорида келтирилган чалқашликлар шундай “ходим”лар тўғрисида юзага келмаяптими?

**Абдуракул САТТОРОВ,**  
журналист

## Бунга риоя қилинг!

**Юртимизда кунларнинг иссиқ ҳарорати фуқароларнинг чўмилишига бўлган эҳтиёжларини оширади. Чўмилиш инсонга ғайрат ва шижоат бахш этади. Шу сабабли нафақат кичик ёшдагилар, балки ёши катта кишилар ҳам очиқ сув ҳавзаларида чўмилишнинг гувоҳи бўлаемиз.**

Чўмилиш масаласида доимо ҳушёр бўлиш чўкиш билан боғлиқ мудҳиш ҳодисаларнинг олдини олади. Ваҳоланки, сув балосидан асрагин, деб бекорга айтилмайди. Бундай мудҳиш ҳодисаларга асосан айрим ота-оналар ва катталар сабабчи бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ўз фарзандлари, яқинлари ва ёшларга нисбатан сувда чўмилиш масалалари назорат қилинмаслиги, чўмилиш таққиланган ва рухсат этилмаган очиқ сув ҳавзаларида ўзбошимчалик билан чўмилиш, айрим катталар ва боаларнинг суза олмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Айрим инсонлар сув ҳавзаларига спиртли ичимликлар ичиб боришади. Экспертиза хулосалари ва таҳлилларига кўра, сувда чўкиш сабаб, аввало, таққиланган жойларда чўмилиш, сузишни билмаслик ва спиртли ичимлик истеъмоли кўрсатилмоқда.

Сувда чўкишдан қутқариб қолинган инсонга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш эса жабранувчининг аҳволига боғлиқ. Агар у ўз ҳушида бўлиб, юрак фаолияти ва нафас олиш сақланган бўлса, унинг бошини паства ётган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва шундан кейин ечинтириб, ҳўл ёки қуруқ сочиқ билан артиш керак. Имкония-

ти билан унга иссиқ ичимлик (чай, қаҳва) ичириб, иссиқ кўрпа билан ўраш ва дам олдириш талаб қилинади.

Агар жабранувчининг мустақил нафас олиши йўқолиб, юрак фаолияти сақланиб қолса, унинг нафас йўллари тозаланиб, иложи борича тезроқ сунъий нафас олдириш зарур. Вақтида ва малакали кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам жабранувчининг ҳаётини асраб қолади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, чўмилиш борасида ҳушёр бўлиш киши саломатлиги ва ҳафсизлигининг гарови. Сувда чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлсангиз, зудлик билан чўкаётган фуқарога ёрдам беришни ҳамда “103” — тез тиббий ёрдам хизмати, “102” — ички ишлар хизмати ва “101” — ёнгин-қутқарув хизматига хабар беришни унутманг. Мавжуд очиқ сув ҳавзаларида чўмилишда ҳушёр бўлиш, бу борда сувда чўмилиш қоидаларига қатъий амал қилиш, сувда ўз ҳафсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг зимамиздаги инсонийлик бурчимиздир.

**И.ЭШПҲЛАТОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ  
Қйрай тумани  
ФВБ ОЕХТТЭБ инспектори

**Ёмғир эзилиб ёғарди. Деразани очиб, Ёатрофни томоша қилдим. Бу менга болалиқдан одат бўлиб қолган. Ёмғир ёғди дегунча, деразанинг олдига югурардим. Ҳатто, бир сафар шундоққина кўшни бинонинг тепасида чақмоқ чаққанини кўриб кўрқиб кетганим.**

Айниқса, ёмғир ёғганда ҳовлини кезадиган соябонлар

жуда гўзал кўринадида ўзим. Хаёллار оғушида узоқдаги юпунгина кейиниб олган сут сотувчи холага кўзим тушди. Кунора маҳаллага сут олиб келадилар бечора, худди болаларим



## “СОЯБОҶ”

оч қолиб кетмасин дегандек. Мана, яна қаршимиздаги тўрт қаватли уй панасида турибди. Аввалига локайд термулиб турдим. Кейин шошиб соябонни қидирдим. Идиш ҳам олдим. Тўғир холанинг ёнига югурдим. Тўғрида, хола шўрлик кунда бизнинг маҳаллага сут ташинса-ю битта соябонни ҳам раво кўрмасак, уят ҳам керак одамга.

“Ке болам, сут берайми?”, — деди яқинлашишим билан, кўз-

**Ибра**

лари чўкиб турган аёл. Сутни олган “сизга олиб келгандим”, дедим кўлимдаги соябонни кўрсатиб. Суюниб кетди, аммо зарурат йўқлигини, ҳозиргина биринчи қаватдаги аёл соябон бериб кетганини айтиди мамнуният билан. Шу пайт орамизга ён кўшни келиб, олатдагидан кўпроқ сут олди-да “музлатгичда сақлаб ишлатсам ҳеч нарса қилмайди. Бу ҳавода сиз ҳам овора бўлиб юрманг”, деди. Сотувчи холанинг юзи қаби меннинг ҳам дилим ёришиб кетди...

Ушанганда, холани кузатиб қўйдимми ёки сутни олиб уйда қолган кичкинтойларим сари отландимми? Аниқ эслолмайман. Бироқ холанинг гамини еб, керагидан ортиқ сут олган кўшимга хурматим ошгани тайин.

Мана, ўша кунга ҳам бир неча ой бўлибди. Шу ёмғир баҳона, ўша кунга яна бир сайр қилдим. Ҳа, ўша кундагидек ичим равшанлашиб кетди. Ҳаёт фақат рўзғор ташвиши-ю икир-чирлардан иборат эмаслигини англагандек бўлдим.

**Гулнисо САЙДАЛИЕВА**



Эски намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига мажбурий алмаштириш муддати 2021 йил 31 декабргача узайтирилган (илгари 2020 йил 31 декабрь эди).

# Сирли сандиқ офтоби

Оқу қорани таниган, халқ урф-одатлари, анъаналарини қадрлаган, тилини, дину диёнатини эъзозлаган, ўз тарихий илдизини ўрганган, ўтмиш ва бугуннинг сабоғини бирдай англаган яхши инсонлар кўнгил қулфларини очгучи калит мисолдир. Аслида ҳам ҳар бир инсоннинг қалби – унинг бисоти, ҳаёт китоблари тахланган “сирли сандиғи” саналади.

Сирли сандиқ ҳақида гап кетганда, кўз ўнгимизда миллатимизнинг фидойи фарзанди, жонкуяр муаллим Раҳимбой Жуманиёзов гавдаланади. Мустақиллигимизнинг илк йилларида телевидение орқали қатор маърифий кўрсатувлар тайёрлаб, халқ назарига тушган, фақатгина ўзига хос бўлган соҳир овози билан қалбларни сеҳрлаган, мамлакатимизга янгилик сифатида интеллектуал шоуни олиб кирган бу одамни эл яхши танийди. У нафақат нотик ва суҳандон, балки етук олим сифатида ҳам халқ илмий мероси хазинасига катта ҳисса қўшган илм-фан фидойиси. Ўзбек тили ривожига муносиб ҳисса қўшган, она тилининг софлиги жарангдорлигини, оҳангини ҳам дилда, ҳам тилда намоён эта олган эл фарзанди.

У кўп йиллар мобайнида туркий халқларнинг қадимий ёзувлари, ўтмиш маданияти ва фольклори билан шуғулланиб келади. Ана шу самарали меҳнатнинг ҳосиласи сифатида қатор илмий тадқиқот ишлари юзага келган. “Халқ даҳосининг кўзгуси”, “Халқ ижоди ҳақ ижод”, “Донг қозонган дoston” номли китоблари ана шулар жумласидан. Уларда халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма

адабиётнинг маҳсули сифатида юзага келган халқ китоблари илмий асосда тадқиқ этилган.

Қадимги халқ китобларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ қилишда давом этиб “Бобо Равшан”, “Иброҳим Адҳам”, “Дили ғаройиб”, “Соҳибқирон Амир Темур”, “Девони Ниёзий”, “Ахтамнома”, “Тазкираи Лафасий”, “Девони Ходим”, “Тазкираи “Мажмуат уш-шуарои Феруз шоҳий” каби Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Кўлэмалар фондида сақланаётган араб ёзувида, яъни настълиқ, насх ва таълиқ хатларида битилган 20 га яқин нодир кўлёма китобларини кирилл ва лотин алифбосига транслитерация қилди. Уларнинг айримлари китоб ҳолида чоп этилди.

Шеърни, сўзни англайди. Аслида сўзнинг юрагини топган инсонга сўз ҳам бутун жозибасини, тароватини, шу билан бирга жилловини тугиб беради. Раҳимбой навқирон йиғитлик паллаларида, Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган кезларида ХХ аср ўзбек адабиётининг устунлари – Гафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек сингари адибларнинг академик



нашрларини тайёрлашда уларнинг қўли билан ёзилган араб алифбоси асосидаги ислоҳ қилинган эски ўзбек ёзувидаги кўлэмаларини кирилл имлосига ўгиришда улкан хизмат кўрсатди.

Шулар қатори “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг ижроси ва тарғиботи бўйича ишлаган энг фаол олимлардан бири сифатида фаолият юритган. Унинг ўтмиш маданиятимизнинг калити бўлган араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувини ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Телевидение ва радио, матбуот ва наشريёт орқали чиқишлари, қатор рисола, китоб ва ўқув қўлланмалари моҳият эътибори билан қимматли. “Ўқитувчи” нашриётида кўп минг нусхала чоп этилган “Эски ўзбек ёзуви” китобининг 3 та нашри ҳозирга қалар филология ва тарих йўналишидаги ўқув муассасаларида асосий қўлланмалардан бири сифатида фойдаланиб келинади. Худди шу мақсадда яратилган “Ҳарфлар тилга кирганда”, “Туркий савод”, “Алифбо сабоқлари” китоблари эса унинг моҳир каллиграф, қилқалам

хаттотлигидан ташқари олимона синчков назари, шоирлик истеъдодини ҳам намоён этди. Араб ҳарфларининг ҳар бирига шеърӣ таърифу тавсиф бериш учун илмий ва бадиий салоҳият, етук санъаткорлик, хаттотлик иқтидори зарурлигини кенг жамоатчилик яхши билади.

Унинг эски ўзбек ёзуви ва янги лотин ёзуви асосидаги алифбони ўргатишга қаратилган “Сирли сандиқ”, «Ким, нима?» ва “Иқтидор” интеллектуал-телевизион ўйинлари томошабинлар меҳрини қозонгани ҳақ. Унинг ижросида ўқилган газаллар ҳозирда ҳам субҳидамда “Ғазалхонлик” руқнида радиоканаллар орқали таралиб туради. Аруз вази қоидаларига амал қилиб, арабий, форсий ва туркий сўзларнинг маъносини чақиқ ўқиши билан у бошқалардан кескин ажралиб туради.


Бу инсон иқтидору салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш учун бор куч-қувватини, илҳом манбаини мақсаплари рўйи йўлида сафарбар этади. Раҳимбой Жуманиёзов ижтимоий ҳаётта доир аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш бўйича кўплаб ҳужжатли фильмлар тайёрлашга бош-қош бўлди. У кишининг муаллифлигидаги “Қора илон”, “Бегона”, “Ота” номли бадиий фильмларни халқимиз ҳамон мароқ билан томоша қилади.

Кўтлуг ёш оstonасида ҳам шахду шижоат билан илм ва ижод борасида кўплаб режалар тузиб қўйган. Яхши ният билан қўйилган пойдевор эса, бир кун мустаҳкам кўрғонга айланади. Эл оидиларининг юраги, тоза қалби нур таратиб кўрғону қалбларни ёритиб туради.

Акмал САИДОВ

Бир неча йил аввал Сурайё Ибрагимованинг онаси оғир касаллик туфайли оламдан кўз юмди. Ота ёлғизланиб қолди. Сурайё падари бузрукворини уйлаб қўйиш ҳақида бир неча марта таклиф ҳам берди. Аммо узоқ йиллардан буён бирга яшаган инсонга бошқа аёл ўхшармикан, дея отаси Анвар Ибрагимов рад этаверди...

## Нуронийлар никоҳи — ўрناق



Сурайё ҳар кун ишидан бўшаб отаси ҳолидан хабар олишга келса ҳам онасининг ўрнини боса олмади. Шу сабабли онасига ўхшаш аёл кидира бошлади. Излаган имкон топар, дейди доно халқимиз. Отасига мос билган, унинг қайсарликлариға кўнадиган меҳрибон инсон топди ва унга оғиз солди.

60 ёшни қаршилаган Насибахон она Қосимовага Сурайё дастлаб, бироз инжиқдек кўринди. Аммо қалби пок, отасига меҳрибон кўринган бу қизга она бўлишга рози бўлди. — Ҳаммаси рисоладагидек ва расмий бўлишини истадик, — дейди Сурайё Ибрагимова. — Янги меҳмон

оиламизнинг чинакам аъзосига айланиши учун кўлимиздан келган барча имкониятларни ишга солдик. 79 ёш остонасида турган даламни Насибахон — янги онамга Фарғона шаҳридаги ФХДБ бўлимида тантанали расмий никоҳдан ўтказишга кўмаклашдим. Отам бахтимизга соғ бўлса, умри давомиди бизлар учун қилган беминнат меҳнатлари роҳатини кўрса, дейман. Ниятим шу. Раҳматли онамнинг отам ҳақидаги васиятларини чин кўнгилдан бажардим...

Сурайё бугун отасининг юзида табассум кўрди. Насиба онасини ҳаж сафарига юборди. Бугун ҳожи ота ва ҳожи оналар бир-бирларига дарддош, елкадош. Расмий никоҳдан сўнг улар маҳалланинг оғзидаги ҳақиқий қаҳрамонларига айланишди.

Расмий никоҳдан ўтган ёши улуғлар фақатгина бу қаҳрамонларимиз эмас. Фарғона вилоятида 2020 йилнинг 5 ойи давомида 50 ёшдан юқори 800 дан ортиқ фуқаронинг шаръий никоҳларига расмий мақом берилган.

Элёр АЪЗАМ

## Интернет яна секин ишлаяптими?

Жараён

Facebook ижтимоий тармоғидаги «Халқ билан мулоқот» гуруҳи фойдаланувчиси Жаҳонгир Маликов томонида «Мана шу 2-3 кун ичида интернет тезлиги жуда сусайиб кетди. Сизларда ҳам шундайми?» сарлавҳаси остида пост жойлаштирилди. Мазкур масалага юртдошларимиз жуда кўпчиликни қийнаб келатган муаммолардан бири сифатида ўз муносабатларини билдиришган.

Мурод Боймуродов:

— Компанияга телефон қилиб ариза ташла, балки яхши бўлиб қолар мен телефон қилиб ариза ташладим ҳозир реконструкция ишлари кетяпти дейишди.

Севара Базарбаева:

— Менда ҳам секин ишлаяпти. Телефондамикан айб дебман.

Одилжон Турғунов:

— Баъзан умуман ишламаяпти, биздан олган пулини ҳалоллаб олса

бўларди.

Шамсиддин Сайдуллаев:

— Жуда ҳам паст. Мен телефонга вирус тушибди деб юрибман. Демак, ҳаммада шу аҳволми? Узмобайл ҳам айнибди-да унда 4G чиқмапти аммо тезлик паст, қотиб қоляпти.

Рўб Каримов:

— 10 баробар тезлашди деб 2018 йил декабрда айтилган эди. 3 йил бўлди 30 баробар секинлашди.

Муродбек Баҳодиров:

— Телевизорда бонг уради, Ўзбекистонда интернет тезлиги ошди деб. Лекин биз сезмадик. Ҳа эслан чикай деб қолибди, интернетни тезлиги эмас, нархи ошгани сезилди.

Абдуносир Эгамбердиев:

— Бизда, Денолда тезлик туғул интернетнинг ўзи йўқ.

Уртага ташланган мавзу бугунги шиддаткор замоннинг оғриқли томонларидан бири ҳисобланади. Биз ХХI асрда яшаймиз. Пандемия шароитида деярли кўпгина соҳа вакиллари онлайн тарзда иш олиб бораётган айни бир маҳалда интернет тезлиги бўйича муаммоларга дуч келинса, иқтисодиёт ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Айни рақамлаштириш жараёнига ўтаётган кўпгина соҳаларнинг тараққиёти учун ҳам бизга сифатли интернет хизмати жуда зарур!

Манижа БАҲРИЕВА,  
журналист



Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби белгиланди.

# "Бу ёғи қурбақаччилик, ака!"

**Уч-тўрт кундан бери "итбалиқ" деган сўз шилимшиқдай ёпишиб олган. Хайронман, нега ўша қоп-қора, митти, жирканч жонзот ҳақида ўйлаганим-ўйлаган? Ёки тушимга кирдимикан?**

Болаликда кўшни кўчада кўп ўйнардик. Кўча кўча эмас, нақ ботқоқликнинг ўзи эди. Кимдир томорқасини суғорди дегунча, ҳали суви қуриманган кўлмақларга яна сув тўлиб қоларди, кунлар исини билан бу сувдан шунчалар ноҳуш ҳид келардики, хотиранинг ўзи-ёқ кўнгилни айнитади. Бола бола эканда, ўша бадбўй кўлмакни кечиб ўйнардик, камига юзимизни ҳам ювиб кетардик. Эсимни таний бошлаганимда, кўчанинг ўртасида ҳосил бўлган кўлмақда сигаретнинг қолдигидан ҳам кичикроқ тасқара балиқчаларни кўриб қолдим ва худди аквариум топиб олгандек маҳлиё бўлиб узоқ ўтирдим. Улар шунчалар кўп эдики, санашининг имкони йўқ.

Кейин билсам, итбалиқ экан. Болалар билан уларни ўйнардик. Ўзимизча, янги ҳовузчалар ясаб, у ёқдан-бу ёққа кўчириб ўтказардик. Кейин катта бўлишни кутардик. Улар ҳеч қачон каттармади... Бир сафар уларни қўлимга олиб кўрдим, бармоқларим билан эзгилаб-эзгилаб кўрдим, айрон тўлдирилган чаккитўрвани эслатарди, фақат жуда кичкина.

Итбалиқлар орсиз жонзот бўлади. Яна шу балчиқнинг ҳиди анқиб турадиган сувда нима билан озикланишини ҳеч тушунмайман. Ҳозир эса болалигим десам, итбалиқ ёдимга тушади, итбалиқ десам, болалигим.

Охири чидолмадим, интернетта "Итбалиқ" деб ёдимда қилирув тугмасини босдим. Кўз очиб юмгунча бир дунё ахборотни чиқариб ташлади. Интернетнинг айтишича: итбалиқ — думсиз амфибиялар личинкаси бўлиб, ташқи жабра ҳамда думи билан ҳаракатланаркан. Сув остига ёпишувчи органни ва ён органлари ҳам бўлармиш. Метаморфоз йўли билан ривожланиб, ўсимликлар билан озикланади. Хуллас, гапни айлантириб нима қилдим, қурбақанинг боласи экан.

Хайронман, қурбақанинг туҳумидан чиққан бу жонзот нега мени ташвишга солиб қўйди? Нега уни қизиқиб билан ўқиб

чиқдим? Аста-секин шу даражага бориб етдимки, кўчада кимни кўрсам, қурбақанинг асоратларини қидириб қарайдиган, айниқса, қурбақага ўхшаган башараларга (бунақалар кўп учрайди) узоқ тикиладиган бўлиб қолдим. Кейин кўзгута тикилиб туриб, одамнинг кўқарган териси қурбақанинг рангига киришини, баъзиларда қурбақага ўхшаш тери касалликлари бўлишини, ҳатто, ҳарбийларнинг формаси қурбақа терисига ўхшашини ҳам билиб олдим.

Энг қизиги, итбалиқнинг оғзини бир қарашда кўриб



бўлмайди, балки микроскопда

кўринар, бироқ ҳозир ўн та мақоланинг пулига ҳам битта микроскоп бериши даргумон. Лекин итбалиқ уч-тўрт ойда қурбақага айланиб олганда танагининг ярми оғизга айланиб қолади. Дунёни ютиб юбораман деб туради, бу махлуқот.

Сизни бундай жирканчли тасвирларга судраб кириб, кўнглингизни айнитмоқчи ёки ўзини фаришта қилиб кўрсатмоқчи эмасман.

Майли, сиз айтганча бўлақоқсин, доимги ишни қилиб жамиятнинг камчилигини санашга тушамиз. Аввало, ўзимиздан бошлаймиз, "мушук текинга офтобга чиқмайди" деган гап борку! Айни пайтда

ҳаммамиз шунга амал қиляпмиз. Саховатнинг ортида ҳам нимадир бордай. Саховатга муҳтоб ҳам нимадир таъма қилаётгандай, гўё. Жамиятимиз иккита кампанияга бўлиниб олган — "Розилар" ва "Норозилар". Розилар кампанияси норози бўлмалик учун ўзини ишонтиради, норозилар эса

ҳеч қачон рози бўлмайди. Иккисида ҳам танининг ярми оғиздан иборат, агар чини билан очса, янги қурилатган "сити"ни ҳам ютиб юборади. Очмаса, қуриллаб безор қилади. Ана бўлмаса, яна қурбақага боғланиб қолди.

келиб қолади. Балки турмушнинг оғирлигидан шундай бўлар, аммо кўпчиллигининг ҳаёти яхшиланишига қарамай, бу юз ифодаси ўзгармайди.

Хуллас, итбалиқлик чоғида ўйнаб-қулиб юрган жонзотлар, бақага айланиб қолгач, катта оғизга яраша ўлжа топилмай қолса, хафа бўлиши турган гап.

**Хуллас, итбалиқлик чоғида ўйнаб-қулиб юрган жонзотлар, бақага айланиб қолгач, катта оғизга яраша ўлжа топилмай қолса, хафа бўлиши турган гап.**

Халқимизда "Сув ичса, семиради" деган ибора бор. Қурбақашуносликни бошлаганимда шунга билиб қолдимки, қурбақалар сув ичмас экан. Улар сувни танаси орқали қабул қиларкан. Баъзан хаёп-растлигимга бориб, "фалончи амалдор шунча порани нима қиларкин? Уй-жойи бўлса, фалон-фалон корхоналарнинг хўжайини, тагин бозордаги писта со-тадиган кампирга ҳам солиқ солиб қўяди. Соққасини бермасанг, ишингни ҳад қилмайди.

Минбарда эса кор-р у п - цияга қарши к у р а - шиш ҳақида лоф уради", деб ўзимга ўзим қуриллаб қўяман. Мен бунинг мантигини қурбақа сув ичмаслигини билгач тушуниб қолдим. Фалончи амалдор ҳам пулни емайди, ичмайди ҳам, фақат, чўнтагига кирса чиқиб, у семириб кетаверади. У чўнтагидаги пулдан озикланади, кўнгли хотиржам тортади. Бўёғи қурбақаччиликда ака!

Бақанинг сигарет чеккани кўрганмисиз? Бир куни отам сигаретнинг қолдигини ҳовлига улоқтирди. Кун кеч бўлиб қолганди, тупроғи чиқиб ётган ҳовлида қурбақалар сайрга чиққан экан, улардан бири сигарет қолдигини илби олдида, мириқиб тортаверди-тортаверди, охири пуфакдек шишиб ёрилиб кетди. Мени кечиринг-у, аммо биз ҳам баъзан фақат тортишни

биламиз, чиқариш ёдимиздан кўтарилади.

Охири вазият шунга етиб бордики, мен руҳшунос излаб йўлга тушдим. Муҳаррир ўринбосарига, маслаҳат солиб, қурбақа ҳақида қоралган қоғозларимни кўрсатдим. У аввалига ҳеч нарсага ажабланмади, мақола сўнгига келиб, одилана қарор қабул қилганимни ва бугундан кечиктирмай руҳшунос қабулига ёзилишим кераклигини айтди. Таниш-билиш қилиб бир тажрибали руҳшуносни топиб, эртага эр-

талабдан борадиган бўлдим...

Шарқдан кўтарилган кўш телеминоранинг пешонасини куйдираман

деганда, мен бекаси каби сипо хонага кириб бордим. Аёл бел экан, бир қарашда маҳлиё қиламан дейди. Одатдагидек салом-алиқдан сўнг, юмшоқ креслога ястанганча, унга ичимдагиларни тўкиб-солдим. Қораламани узатдим. Ўзимдаги бўлаётган ўзгаришларни очик-ойдин айтдим.

У аввалига боладек қизиқиб тинглади. Қўлидаги қоғозларга кўз югуртириб чиқди. Сўнг "Қайноқ сувдаги қурбақа" тажрибасининг моҳияти ҳақида гап бошлади. Айтишича, XIX асрда ўтказилган бу тажриба аслида одамнинг характериға қурилан бўлиб, қурбақани қулай ҳароратдаги сув тўлдирилган идишга солиб, кейин паст оловга қўйишган. Сув жуда секин қайнагани учун қурбақа мослашган ва бироз ноқулай шароитга кўниккан.

Қайнаб турган сувга солинган иккинчи қурбақа эса, сувга тушиши билан қозондан сакраб чиққан ўзини кутқариб қолган.

— Сиз — деди руҳшунос хоним, — иккинчи қурбақага ўхшаб иш тутмоқчисиз. Маълумотингиз қанақа.

— Ўрта!  
— Нима иш қиласиз?  
— Журналистман!  
— Унда олий маълумот учун ўқишга топширинг, шунда сиз секин қайнаётган қозонга тушасиз ва мослашиб борасиз.

Уйга қайтарканман, суҳбатнинг охири эмас, фақат "олий маълумот учун ўқишга топширинг, шунда сиз секин қайнаётган қозонга тушасиз ва мослашиб борасиз", деган гаплар миямга ин қуриб олди.

Балки тўғридир!

БЕК АЛИ

**ЖАМИЯТ**  
Муассислар:  
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОҲОНОВ  
**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комиллов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Раҳмат Маматов  
Нуриддин Убайдуллаев  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Актаб Хайитов  
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буортма рақами Ғ-714 Адади: 1151.  
Жума кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоиси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигини 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Дилбар Маҳмудова  
**Дизайнер:** Бегайи Эшонқулов  
100000, Тошкент шаҳри Матбуотлар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55.  
Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
"ЖАМИЯТ" дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎАА кунин:  
Топширилган вақти: 16:55  
1 2 3 4 6



Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар ер солиғидан озод қилинади

Бундан уч йилча муқаддам профессор Рустам Холмуродовнинг “Ўзбекистон университетлари неча ёшда?” сарлавхали мақоласи чоп этилган эди. Мақола кўпчиликнинг эътиборини тортди, жумладан, мен ҳам катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

## Замин сайқалининг юлдузи

Унда таъкидланганидек, юртимизда университет мақомига тенг келадиган мадрасани олия — олий мадрасалардаги таълим тизими IX-X асрларда бошланган.

Юртимизда олий таълимнинг илк кўринишлари миллоддан аввалги VI-VII асрларга бориб тақалади. Бу ҳақда қадимги Хоразм ҳудудига юзага келган зардуштийликнинг асосий китоби — “Авесто”да ҳам фикр билдирилган. Жумладан, бу манабда ёшларнинг таълим-тарбияга эга бўлишларида кохин-мударрисларнинг ўрни алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Зардуштийнинг фикрича, инсоний хислатлар орқали ҳар бир кохин (устоз) ёшларни яхшилик, эзгулик ва ҳақиқат йўлига бошловчи, сўзга чечан, ҳар қандай қийин ҳолатни енгиллаштирувчи нотик, узда-бурун, ўз ишига садоқатли, матсулиятли ва фидойи бўлиши шарт. Бундай кохин ёшлар қалбига ўз таъсирини ўтказиб, меҳр-эътиқод уйғотади, олий фазилят — яхши хислатлар сингдира олади.

Афсуски, тарихимизнинг ушбу саҳифалари ҳали етарлича ёритилган эмас. Бу жиҳатдан, устоз Рустам Холмуродов бошлаган хайрият ташаббус алоҳида эътирофга моликдир. Устоз Париж (Сорбонна), Кембриж, Болоня университетларида бўлиб, уларнинг тарихи ва тажрибасини пухта ўрганиши натижа-сида юртимиздаги олий таълим тизими ҳам ўта қадимий эканини кенг доирада эътироф этиш лозим, деган хулосага келган.

Европа университетларининг шаклланиш тарихи бугунги кунда аниқ саналар билан кўрсатилади. Масалан, Буюк Британиядаги машҳур Оксфорд университети илди-

зи 1117 йилдан, Испаниядаги Саламонка университети 1218 йилдан бошланади. XI асрда Қирол Альфонс фармони билан ташкил қилинган “Studium Generale” умум таълим мактаби ташкил этилади ва унда асосан диний матнлар ва аҳкомлар ўргатилган. Гарвард университети ҳам 1636 йилда ўз фаолиятини дин арбобларини ўқитишдан бошлаган.

**Маълумки, Шарқда юзага келган илк мадрасаларда ҳам асосан диний ва дунёвий фанлар ўқитила бошлаган. Энг муҳими, уларнинг ёши Европадаги илк олий таълим муассасаларидан катгароқ. Жумладан, бундай мадрасаларнинг энг қадимгиси — Мароқандаги Ал-Қаравун 859 йилда ташкил топган бўлса, Мисрдаги Ал-Азҳар университетининг тарихи ҳам 988 йилда диний таълимга асосланган мадрасанинг ташкил топишидан бошланади.**

Рустам Холмуродов ўз мақоласида шундай ёзади: “Ўзбекистонга қайтар эканман, ҳар гал Беруний, Фаробий, Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоийларни камолга етказган илм даргоҳлари ҳақида ўйлаб қоламан. Ахир

биз номларини келтириб ўтган ўнлаб, яна юзлаб дунё тан олган алломаларимиз илмий маълумотларини олий таълим муассасаси мақомида бўлган мадрасаларда олган эди-ку! Тарихнинг ёритилмаган саҳифаларини ёритиш, энг муҳими, ўз-ўзини англаш, ўтмиш-ни ҳолисона баҳолаш фурсати келмадимикан?”

Академик Б.Валихўжаевнинг 2001 йилда чоп этган “Самарқандда олий таълим мадрасали олия: университет тарихидан лавҳалар” номли рисоласида IX-X асрларда Самарқанд шаҳрида 17 та мадраса фаолият кўрсатгани қайд этилган. Мадрасалар тарихидаги бундай нури саҳифалар XV-XVI асрларгача давом этди...

Маълумки, Ўрта асрлар ўғониш даврида буюк давлат арбоби, машҳур саркарда Амир Темур бобосидан сўнг Мирзо Улуғбек ўзбек халқи ва салтанат маркази Самарқандни жаҳонга яна бир бор машҳур этди. У Самарқандда мадрасайи олийси орқали биринчи академия таълимга асос солган сиймо сифатида дунёга ном таратади, жаҳон илм-фани тарихи саҳифасида муносиб ўрин эгаллади. Бу ҳақда француз ёзувчиси Вольтер (1694-1778) шундай деган эди: “Улуғбек Самарқандда биринчи илм-фан марказига асос солди, у ўзи бошчилик қилган астрономик академиясига ер куррасини ўлчашни буюрди ва фалакиётшунослик жадвалларини тузишда ўзи бевосита иштирок этди”.

Самарқандда XV асрда вужудга келган Улуғбек илмий марказининг фаолияти асрлар давомида юртимизда шаклланиган бой диний-дунёвий маданиятнинг узвий қисмидир. Ўз даврининг етук олимларидан Гиёсиддин Коший Самарқанднинг илм фан марказларидан бирига айлангани, бу ерда жуда кўп математик ва астрономлар жамланганини ёзади.

Улуғбекка қурдирган Самарқанд мадрасасига кимни бош мударрис қилиб тайинлайсиз, деганида у “Бу мадраса мударриси жами илмларга моҳир ва барча фанлардан баҳраманд ва комил киши бўлиши керак”, деб жавоб беради. Шунда мадраса қурилишида устازلар қўлига гишт узатиб турган эронлик ёш олим Мавлоно Муҳаммад Хавофий Мирзо Улуғбекнинг ёнига келиб, бу лавозимга муносиблигини айтади. Шундан сўнг Улуғбек-

нинг кўрсатмаси билан ўнлаб олимлар Хавофийни имтиҳон қилиб кўрадилар. Унинг бир қатор йирик олимлар даврида илмий маърузасида қониқиш

бекиёс даражада аниқ бўлган. Лекин бу ажойиб расадхона XVI асрда вайронга айланган. Баъзи маълумотларга кўра, Улуғбек расадхонасида бой бир кутубхона ҳам бўлиб унда 15 минг томдан зиёдроқ қимматли китоблар



ҳосил қилган ҳукмдор Хавофийни бош мударрис қилиб тайинлайди. Зайниддин Восифийнинг хабар беришича, Мирзо Улуғбек бошқа мударрисларни тайинлашда ана шундай ошкоралик ва адолат тамойилларига амал қилинган.

Фан, адабиёт ва санъатнинг машҳур намояндalarидан Ҳофизи Аbru, Дурбек, Саккокий, Лутфий сингари шоирлар ҳам Улуғбек даврида яшаган ва ижод қилган.

Самарқанд расадхонаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида айтилишича, катта уч ошёни бўлган. Абдураззоқ Самарқандий бу олий бинонинг ичкари қисмлари тенги йўқ нақшлар билан безатилган, унинг девор ва шифтларида тўққиз осмон, даражалари, дақиқалари ва ҳатто сонияларигача ҳисоблаб, етти сайёра ҳамда ҳаракатсиз (собита) юлдузлар, шунингдек, ер курраси, етти иқлими, тоғу саҳралари ва дарёю денгизлари билан тасвирланганини ёзади.

Самарқандда ўтказилган дастлабки кузатишлар ўша пайтгача қўланиб келинган юлдузлар жадвалининг жиддий ноаниқликларга эга эканлигини кўрсатди. Бу жадвал Юнонистонда геометрик системасининг асосчиси Клавдий Птолемей томонидан 138 йилда тузилган эди. Бунда Птолемей машҳур юнон олими Геппарх (миллоддан аввалги II аср) тўплаган астрономик кузатиш натижаларига асосланди. Птолемей жадвалида кўрсатилган юлдузларнинг вазияти Улуғбек давридаги кузатишлар натижаларига мос келмай қолади. Улуғбек янги астрономик жадвал яратиш ишига ишонч билан қўл уради. У олимлар билан маслаҳатлашиб Птолемей жадвалига киритилган юлдузларни қайта кузатишга ва уларнинг вазиятини ўлчашга астрономик доимийликни аниқлашга киришди. Самовий қисмлар вазиятини юқори аниқлик билан ўлчаш мақсадида у улкан астрономик асбоблар ясади. Шу қурилмалардан бирининг ер ости қисми 1908 йилда археолог В.Л.Вяткин томонидан қўхна Афросиёб яқинида топилди.

Текширишлар бу улкан асбоб квадрат (айлананинг тўртдан бирдан иборат ёй) эканлигини кўрсатди. Унинг радиуси 40,2 метрга тенг. Улуғбек жадвалининг аҳамияти шундаки, ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида

сақланган...

Улуғбекнинг “Зижи жадиди Курагоний” асари Самарқанд расадхонаси-нинг самарали махсулларидан бири бўлиб, классик астрономия назарий ва амалий масалаларини қамраб олган шоҳона асари ҳисобланади.


XX аср охири, XXI аср бошларига келиб, илм-фан яна юксак чўққига чиқа бошлади. Янги замонавий технологиялар ишлаб чиқарилди, улар ёрдамида барча соҳалар қатори Ўзбекистонда Улуғбек асос солган астрономия илмий маркази қайта тикланиб, ривож топа бошлади. Майданак обсерваторияси фикримиз далили. Бу марказ Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Қамаш туманлари чегарасидаги Майданак тоғининг гарбий чўққисиди, денгиз сатҳидан 2650 метр баландликда жойлашган обсерватория бўлиб, унинг умумий майдони 40 гектарни ташкил этади. Ана шу илмий марказда фаолият кўрсатаётган ўзбек астрономлари ривожланган мамлакатлар қаторида туриб, яна бир номаълум сайёрани кашф этишди. ЎзФА Астрономия институтининг Майданак обсерваториясида ишланш ва кузатувлар олиб бораётган илмий ходимлар Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеев янги, шу пайтгача фанда номаълум кичик сайёрани кашф этишга муваффақ бўлишди.

Маълум бўлишича, сайёра Марс ва Юпитер оралигида жойлашган бўлиб, унинг умумий ҳажми тахминан 50-70 метрни ташкил этади. Шундан кейин 2009 йили Ҳарвард Халқаро кичик сайёралар маркази томонидан бу чиндан ҳам шу пайтга қадар фанга номаълум бўлган улкан илмий янгилик экани тасдиқланди ҳамда унга халқаро каталогларда доимий 210271 рақами берилгани маълум қилинди. Сайёрага жаҳоннинг энг қўхна ва гўзал шаҳарларидан бири - Самарқанд шаҳри номи берилди.

Бунга қадар олимлар томонидан бир қатор кичик сайёраларга “Ўзбекистон”, “Авиценна”, “Улуғбек”, “Беруний”, ва “Хоразмий” номлари берилган эди.

Умуман олганда, Самарқанд азалдан илму ирфон бешиги бўлиб келган ва бундан кейин ҳам бу азалий аънана давом этишига шубҳа йўқ.

Усмон САНАҚУЛОВ,  
СамДУ профессори



Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборган 44 600 сўмдан 223 000 сўмгача жаримага тортилади.